



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. – Т.: 2020 й.

<p style="text-align: center;">У.Худайбердиев, Н.Юлдашова</p> <p style="text-align: center;">Производство сельскохозяйственной продукции в Узбекистане и ее проблемы</p> <p>Аннотация: в статье приведены итоги аграрных реформ в Узбекистане, достижения в производстве сельскохозяйственной продукции, организация кластеров, проблемы в производстве сельскохозяйственной продукции и пути их решения.</p> <p>Ключевые слова: сельскохозяйственные реформы, фермерское хозяйство, агрокластер, овощи и фрукты, интенсивный метод.</p>	<p style="text-align: center;">U.Khudaiberdiev, N.Yuldashova</p> <p style="text-align: center;">Agricultural production in Uzbekistan and its problems</p> <p>Abstrakt: the article presents the results of agrarian reforms in Uzbekistan, achievements in the production of agricultural products, the organization of clusters, problems in the production of agricultural products and ways to solve them.</p> <p>Keywords: agricultural reforms, farming, agrocluster, vegetables and fruits, intensive method.</p>
--	--

Раънохон Махмудовна Каримжанова – НамМТИ, “Маркетинг” кафедраси катта ўқитувчиси

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ва унинг бозори тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси ва унда қандолат маҳсулотларининг улуши, сўнгги йиллардаги кўрсаткичлари қиёсланган. Ҳамда, қандолат маҳсулотлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари ёритилган, айрим тавсиялар келтирилган.</p> <p>Калит сўзлар: озиқ-овқат маҳсулотлари бозори, қандолат маҳсулотлари, улуш, қандолат маҳсулотлари бозори хусусияти.</p>
--

Кириш. Дунёнинг кўплаб давлатлари озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги мураккаб масаланинг ечими устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини нафақат таъминлаш, балки мустаҳкамлаш борасида сўнгги йилларда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ички бозорга тизимли етказиб берилиши ҳамда, уларнинг нархлари ошиб кетмаслиги юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш; озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича дунё бозорларидаги талаб ва таклиф мувозанати, қутилаётган ижобий ва салбий конъюнктура ўзгаришлари, ички бозор учун юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаб бориш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган ва амалга оширилиб келинмоқда¹.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда қутилаётган пандемияни озиқ-овқат таъминотида ва унинг бозорига салбий таъсирларини юмшатиш, ҳамда бартараф этиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз ўзларининг нутқларида, глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлаганлигини, шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилишини таъкидлаб ўтдилар. Халқимиз учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4821-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4990322>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 135-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5331584>

кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилиши ҳақида тўхталиб ўтганлар¹.

Озиқ-овқат саноатида юқори кўрсаткичларга эришиб, халқимиз фаровонлиги, дастурхони тўкин бўлишини назарда тутувчи мазкур ислохотлар мамлакатмизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурида назарда тутилган мақсад-вазифалар билан ҳамохангдир. Демак, аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлашда, озиқ-овқат бозорларининг алоҳида аҳамияти бўлиб, уларнинг фаолиятини тадқиқ қилиш ва мавжуд муаммоларни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Истеъмол бозори фаолиятининг назарий асосларини шакллантириш, истеъмол бозорининг бозор механизмларини ўрганишга оид тадқиқотларга хориж олимларидан А.Веи ва М.Леви, А.Даян, П.Дрикер, Ф.Котлер ва бошқа муаллифлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Истеъмол бозори фаолияти билан шуғулланган мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.А.Васиева, Т.И.Атомурадова, Г.Д.Шариповалар илмий тадқиқотларида озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари бозори ривожланишини кўриб ўтганлар. МДХ мамлакатлари олимларидан В.Д.Вершинина, Т.И.Николаева ва бошқаларнинг асарларида истеъмол бозорининг маркетинги тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган шаҳрининг қандолат маҳсулотлари бозори олинган. Унда тизимли ёндошув анализ ва синтез, статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Деярли, барча тадқиқотчилар истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият тури деб тушунадилар. Истеъмол бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг моҳияти, бир томондан харажатларни қоплаш зарурати, бошқа томондан, қиймат қонуни ёки озиқ-овқат бозори фаолиятининг асосий қонуни туфайли эквивалент алмашинув асосида эҳтиёжларни қондириш ҳисобланади.

Озиқ – овқат маҳсулотлари бозорлари аҳолининг талабининг турли даражалари билан фарқланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни савдоси Наманган вилояти иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Буни вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси кўрсаткичларида кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Наманган вилоятининг чакана савдо товар айланмаси

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йилни 2019 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда
Чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, барча савдо тармоқларида сотиш, млрд. сўм	133195	149962,2	161531,9	121,3
шу жумладан:				
- шаҳарларда	107506	114 973,0	124 170,0	115,5
- қишлоқ жойларда	25689	34 989,2	37 361,9	145,4
Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидан, млрд. сўм:				
-озиқ-овқат товарлари	57021	62 984,0	69 458,0	121,8
-ноозиқ-овқат товарлари	76174	86 978,2	92 073,9	120,9

Манба: Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан маълумки, вилоятда 2021 йилда 161531,9 млрд сўмлик чакана савдоси амалга оширилиб, аввалги 2019 йилга нисбатан 21,3 фоизга

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

ошганлигини ифодаламакда. 2021 йилда 69 458,0 млрд сўмлик озиқ-овқат товарлари чакана савдоси кўрсатилиб, 2019 йилга нисбатан 21,8 фоизга, ноозиқ-овқат товарлари эса 20,9 фоизга кўпайди.

Вилоятимиз озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида қандолат маҳсулотлари савдоси ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, бу турдаги маҳсулотлар аҳолининг кунлик истеъмол маҳсулотларидан ўрин олган. Вилоятимиз қандолатчилик маҳсулотлари бозорида республикамызда ишлаб чиқарилган 18 турдаги, Украинада ишлаб чиқарилган 5 турдаги, Россияда ишлаб чиқарилган 52 турдаги, Туркия давлатида ишлаб чиқарилган 4 турдаги қандолат маҳсулотлари сотилади. Ушбу қандолат маҳсулотлари RO‘SHEN, ELVIN, KONTI, YASHKINO, GOLDEN SWEETS, ESSEN, DOCTOR-S, NEVSKIY, ABK, ALYONKA SASHA, PANDA, SLADUS ва KREMBER қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан ишлаб чиқарилади.

2 -жадвал

Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари савдоси кўрсаткичлари

(млн.сўм)

№	Шаҳар ва туманларнинг номи	2019 йил		2020 йил		2021 йил		2021 йилни 2019 йилга нисбатан ўзгариш суръати, %да	
		Жами озиқ-овқат	шундан, қандолат товарлари	Жами озиқ-овқат	шундан, қандолат товарлари	Жами озиқ-овқат	шундан, қандолат товарлари	Жами озиқ-овқат	шундан, қандолат товарлари
	Наманган вилояти	3914516	2494005	4957572	3098490	5909407	3839605	151,0	154,0
1	Наманган ш.	1495845	1046805	1907354	1192100	2589028	1626019	173,1	155,3
2	Мингбулоқ	87411	46082	104141	65090	127227	84818	145,6	184,1
3	Косонсой	248707	88238	299732	187330	344055	229370	138,3	259,9
4	Наманган	206717	243097	251228	157020	201226	134150	97,3	55,2
5	Норин	230878	112631	279225	174520	396112	264075	171,6	234,5
6	Поп	246701	212650	299877	187420	312705	208470	126,8	98,3
7	Тўрақўрғон	272656	156916	332318	207700	413595	275730	151,7	175,7
8	Уйчи	149980	72703	203055	126910	293702	195801	195,8	269,3
9	Учкўрғон	176657	90387	241895	151180	272727	181818	154,4	201,2
10	Чортоқ	171503	227390	253378	158360	251649	167766	146,7	73,8
11	Чуст	374256	65648	472685	295430	357640	238426	95,6	363,2
12	Янгиқўрғон	253205	131457	312683	195430	349743	233162	138,1	177,4

Манба: Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2019 йилда вилоят бўйича жами озиқ-овқат маҳсулотлари 3914, 5 млрд сўмга тенг бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу рақам 5909,4 млрд сўмга тенглашиб, аввалги йилга нисбатан 51,0 фоизга ошди.

Қандолат маҳсулотлари савдоси эса 2021 йилда жами аввалги йилга нисбатан 54,0 фоизга кўпайганлигидан далолат беради. Қандолат маҳсулотлари савдосининг катта салмоғи Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Норин, Чуст, Янгиқўрғон туманларига тўғри

келган. Энг паст улуш эса Мингбулоқ туманига тўғри келиб, 2,2 %га тенг бўлган. Наманган вилояти шаҳар ва туманларида қандолат маҳсулотлари савдоси улуши ҳиссасида энг катта улуш Наманган шаҳрига тўғри келиб, 42,3 % га тенг бўлди. Кейинги ўринда Тўрақўрғон 7,2 %, Норин 6,9 %, Чуст 6,2 % га тенг бўлди.

Вилоятимизда қандолат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида импорт маҳсулотлар хариди амалга оширилади. Қандолат маҳсулотлари импортини вилоятимизнинг барча ҳудудларида кузатиш мумкин.

3 -жадвал

Наманган вилояти кесимида қандолат маҳсулотлари импорти тўғрисида маълумот
(минг АҚШ доллари)

№	Туман номи	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йилни 2019 йилга нисбатан ўзгариш суръати, %да
1	Наманган ш.	5617,4	1558,2	2883,8	51,3
2	Мингбулоқ	84,2	22,3	4,6	5,5
3	Косонсой	55,8	1,8	4,6	8,4
4	Наманган	572,9	81,5	66	11,5
5	Норин	185,6	397,8	1258,6	6,8 м
6	Поп	22,3	24,2	8,6	38,6
7	Тўрақўрғон	12596,4	2816,7	1979,8	15,7
8	Уйчи	46,2	199,7	8,6	18,6
9	Учқўрғон	55,3	45,2	21,2	38,3
10	Чортоқ	185,1	590,1	24,4	13,2
11	Чуст	44,3	22,3	12,3	27,8
12	Янгиқўрғон	95,2	4510,7	22,3	23,4
	Жами	19560,7	10270,5	6294,8	32,2

Манба: муаллиф томонидан олиб борган тадқиқот маълумотлари асосида ишлаб чиқилди

Юқоридаги маълумотларга кўра, вилоятимизда қандолат маҳсулотларининг импорти 2021 йилда 2019 йилга нисбатан 67,8 фоиз пасайиш бўлганлигини кўриш мумкин. Фақатгина қандолат маҳсулотлари импорти ўсиш динамикаси Норин туманига тўғри келиб, 2021 йилда 2019 йилга нисбатан 6,8 марта ортганини кўриш мумкин. Қолган барча шаҳар ва туманларда қандолат маҳсулотлари импорти камайган. Бунинг асосий сабаби, савдо жараёнларига пандемиянинг салбий таъсири ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозорга кириб келишини ошиб боришидир.

Тадқиқотларга кўра, қандолат маҳсулотлари бозорининг ўзига хос бир қатор хусусиятлари бор. Жумладан: маҳсулотларни сотиш вақтининг қисқалиги; узоқ масофаларга етказиб бериш кўп вақтни талаб қилиши; қандолат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни таъминотчиларни хомашёни сифатли етказиб беришига боғлиқлиги; маҳсулотларни юқори сифатли бўлишига талабнинг катталиги; айрим хомашёлар (какао)ни қимматлиги; ундан тайёрланадиган қандолат маҳсулотларини тайёрлашда хомашё нархининг сезиларли қимматлашуви, унинг таннархини ўсишига таъсир этиши; маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотларига қўшимча қилинувчи маҳсулотлар –мева, ёнғоқларнинг танловининг кенглиги; уй қандолат пишириқларини анъанавий истеъмолнинг мавжудлиги ва бошқа шу кабиларни санаб ўтишимиз мумкин.

Бугунги кунда Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар мавжуд бўлиб, улар жумласига куйидагиларни киритишимиз мумкин: ассортиментни кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини етарли даражада ташкил этилмаётганлиги; бозорларда сотилаётган қандолат маҳсулотларининг қадоқланиш сифатини пастлиги; миллий рекламанинг йўқлиги; халқаро бозорларда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кучли рақобатнинг мавжудлиги ва бошқа шу кабилар.

Хулоса ва таклифлар. Истеъмолчилар учун қандолат маҳсулотларини танлашдаги

асосий омиллар - таъм, нарх, ишлаб чиқарувчига ишонч даражаси ва маҳсулот сифати ҳисобланади. Тадқиқотда аниқланган муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат деб ўйлаймиз: қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сифатини ошириш, вилоятда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш товар тузилишини оптималлаштириш, соғлом рақобатда бўлиш; зарарли кўшимчаларни микдорини ортиб боришини доимий аниқлаш учун текширишни назарда тутувчи қонун киритиш; янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали яқин ҳудудлардаги сотиш географиясини кенгайтириш.

Демак, мамлакатимизда шунингдек вилоятимиз озиқ-овқат бозорида қандолат маҳсулотларига талабнинг мавжудлиги ва ошиб бориши, улар билан савдо алоқаларини янада ривожлантириш, ички эҳтиёжни тўлароқ қондиришни янги имконият ҳамда, йўллари топишга ҳаракат қилишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4821-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4990322>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 135-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5331584>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
4. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. 2018-2020 йй. <https://www.namstat.uz/uz/>

<p>Р.Каримжанова</p> <p>Тенденции развития рынка кондитерских изделий Наманганской области</p> <p>Аннотация: В статье рассматриваются продукты питания и их рынок. Проводится сравнение розничной торговли продовольственными товарами и доли кондитерских изделий в Наманганской области с показателями последних лет. Также выделены особенности и существующие проблемы кондитерского рынка, даны некоторые рекомендации.</p> <p>Ключевые слова: рынок продуктов питания, кондитерские изделия, доля, характеристика рынка кондитерских изделий.</p>	<p>R.Karimjanova</p> <p>Development trends of confectionery products market in Namangan region</p> <p>Abstract: The article discusses food products and their market. The retail trade of food products and the share of confectionery products in Namangan region, the indicators of recent years were compared. Also, specific features and existing problems of the confectionery market are highlighted, some recommendations are given.</p> <p>Keywords: food products market, confectionery products, share, characteristics of the confectionery market.</p>
---	---

Музаффар Мусаевич Усмонов – ассистент кафедры «Экономика», Ферганский политехнический институт

К ВОПРОСАМ РАЗВИТИЯ КООПЕРАЦИИ В ПЛОДООВОЩНОМ СЕКТОРЕ УЗБЕКИСТАНА

<p>Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы развития системы кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана. В ходе исследования даны рекомендации по эффективному развитию системы кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана с учётом зарубежного опыта.</p> <p>Ключевые слова: плодоовощной сектор, экспорт плодоовощной продукции, кооперация, сельское хозяйство, урожайность культур, аграрная сфера, аграрная логистика</p>
--

Введение. Сельское хозяйство Узбекистана является одной из ведущих отраслей экономики, обеспечивающей более 28% ВВП страны, около 28% занятости населения и

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023